



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI
YANGIQO'RG'ON TUMANI HOKIMINING

QARORI

Yangiqo'rg'on shaharchasi Mustaqillik ko'chasi, 1 uy. 161200 Tel: (69)63-21-051

10-апрел 2021 йил № 417

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта таълим вазирлиги Наманган Давлат Университетига илмий тадқиқотлар, доривор ўсимликлар етиштириш, уқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини такшил этиш учун «Жўра Охунов Шарқ Юлдузи» агрофирмаси ҳудудидан ер майдони ажратиб бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта таълим вазирлиги Наманган Давлат Университети ректори С.Т.Турғуновнинг туман ҳокими номига ёзган 2020 йил 28 декабрдаги 4921-01-сонли алоқа хати, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 январдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мулжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ4575-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги «Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4670-сонли қарори, Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йил 1 февралдаги 77-сонли буйруғи ҳамда туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш масаласини кўриб чиқувчи комиссиясининг баённомасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 6-моддасига асосан,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш масаласини кўриб чиқувчи комиссиясининг «Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта таълим вазирлиги Наманган Давлат Университетига илмий тадқиқотлар, доривор ўсимликлар етиштириш, уқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини такшил этиш учун «Жўра Охунов Шарқ Юлдузи» агрофирмаси ҳудудидан ер майдони ажратиб бериш тўғрисида»ги баённомаси қарори тасдиқлансин.

2. «Наманган Давлат Университети»га илмий тадқиқотлар доривор ўсимликлар етиштириш, уқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини такшил этиш учун «Жўра Охунов Шарқ Юлдузи» агрофирмаси худудидан ер тузиш харитасининг 736-контурдан 1,2 гектар, 732-контурдан 7,2 гектар, 735-контурдан 3,4 гектар жами 11,8 гектар, шундан 10,9 гектар экин ер, 0,5 гектар арик, 0,4 гектар йўллар ўрнидаги ер майдонлари уқув амалиёт хўжалиги сифатида 49 йил муддатга фойдаланиш учун ажратиб берилсин.

3. Туман Давлат солиқ инспекцияси (А.Аъзамхонов)га Наманган Давлат Университетидан бюджетга олинадиган солиқ миқдорини қайта кўриб чиқиш ва амалдаги қонунлар асосида ундириб бориш вазифаси топширилсин.

4. Туман Қишлоқ хўжалиги бўлими (С.Султанов)га миллий давлат ер ҳисоботида тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифаси топширилсин.

5. Наманган Давлат Университети ректори (С.Т.Турғунов)га илмий тадқиқотлар, доривор ўсимликлар етиштириш, уқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини такшил этиш учун ажратиб берилган ер майдонидан белгиланган мақсадларда фойдаланиш вазифаси юклатилсин.

6. Мазкур қарор тасдиғи Халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдаги сессиясига киритилсин ва Наманган вилояти ҳокимидан сўралсин.

7. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Э.Ортиқов зиммаларга юклатилсин.

Туман ҳокими



А.Нажмидинов

Киритилди:

Туман Қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи:

С.Султанов

Келишилди:

Туман ҳокимининг ўринбосари:

Э.Ортиқов

Туман ҳокимлигининг Девонхона мудир

К.Кўчқоров

Туман ҳокимлигининг бош юрисконсульти

Ҳ.Қамчинов